НУТҚНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИКЛАР

Ш.Ҳ.АЛПОНОВА

Мақолада нутқнинг яратилиш жараёнидаги психологик ўзгаришлар ҳақида фикр юритилади. Руҳий тебранишлар, хусусан, аффект ҳолатларнинг нутқ жараёнига таъсири масаласи бадиий матнлар орқали таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *руҳият, мотивация, нутқ, матн, ички нутқ.*

В статье рассматриваются психологические изменения в процессе возникновения речи. Данные изменения, в частности, влияние состояния аффекта на процесс речи анализируются на примере литературных текстов.

Ключевые слова: *психика, мотивация, речь, текст, внутренная речь.*

The article deals with the psychological changes in the spirit of speaker during the speech act. The spiritual changes in the speech act and its influence on the state of spirit of the speaker have been analyzed on the examples of literal texts.

Key words: *phychological state, motivation, speech act, text, inner speech.*

Ўзбек тилшунослигида нутқнинг вужудга келиши ва уни идрок этувчи шахс омилини ўрганишга интилиш узоқ тарихга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Яъни тил дарёсига шўнғиган ҳар бир ғаввос (продуциент) сўз дурларини шундай заргарона тизадики, айнан бир хил шода (нутқ) ҳеч қачон учрамайди. Ёки Навоий таъбири билан айтганда, “жавҳар оразлар орқали намоён бўлади” [1.77]. Ҳозирги тилшунослик нуқтаи назари билан айтганда, лисоний бирликлар – фонема, морфема, лексема ва қолиплар табиатан умумийлик бўлиб, улар нутқий ҳосилалар – товуш, ҳарф, бўғин, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн каби хусусийликларда воқеланади [2.10]. Шу тарзда нутққа кенг маънода қараш, унга инсоннинг нутқий-идрокий фаолияти натижаси сифатида муносабатда бўлиш орқали психолингвистика матн тадқиқи муаммоларини ечишда бирмунча муваффақиятларга эришди. Психолингвистика нутқни реал борлиқни такрорланмас ҳолда акс эттириш усули сифатида ўрганади. Шунингдек, нутқ асосий ахборот бериш ва сақлаш усули бўлиш билан бирга, маданият шакли, аниқ тарихий давр меваси ва шахс руҳий оламининг акси ҳамдир. Буларнинг барчаси оғзаки ва ёзма нутққа тилшунослар томонидан хилма-хил таъриф берилишига сабаб бўлган. А.А.Леонтьев томонидан илгари сурилган “Матн унинг яратилиши ва қабул қилинишидан ташқарида мавжуд эмас” [3.15] деган қараш психолингвистикадан юқорида айтилган жараёнларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади ва унинг олдига нутқий фаолиятни турли аспектларда – семантик, психологик, прагматик, когнитив жиҳатдан ўрганиш вазифасини қўяди.

Матнга нутқ ҳосиласи сифатида ёндашиш психолингвистиканинг ўзига хос хусусиятидир. Алоқа жараёнида бир иштирокчи иккинчисининг ҳаракатини, ҳолатини қайсидир маънода ўзгартиришга ҳаракат қилади. Яъни, алоқа жараёнидаги иштирокчи қандайдир сўзсиз ҳаракат ёки сўз билан жавоб беради, бу нарса суҳбатдошнинг руҳиятига, у орқали нутқига таъсир ўтказади. Руҳий ҳолат ўзгариши билан субъектнинг суҳбатдошига муносабати ҳам ўзгаради, бу эса баъзан хатти-ҳаракатнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Демак, алоқа шартлари тушунишни талаб қилади, алоқанинг асоси бўлган нутқ (субъектдан қатъи назар) аниқ таъсир кучига эга бўлади. Бу таъсир икки шарт асосида амалга ошади. Биринчидан, алоқа дастурига мос келадиган тил бирликлари танлаб олиниши керак, иккинчидан, рецепиент нутқ субъектининг фикрини ўзига мос равишда қабул қилиши лозим. Нутқий алоқа муаммоларига бу тарзда ёндашув матн таҳлилининг икки йўналишини белгилаб беради. Биринчи йўналишда матн маъносининг шаклланиш жараёни ўрганилади, иккинчи йўналишда эса мана шу маънонинг рецепиент томонидан қай тарзда қабул қилиниши тадқиқ қилинади.

Нутқнинг вужудга келиш жараёни икки босқичдан иборат эканлиги дастлаб А.С.Выготский томонидан айтилган: “Жонли нутқий тафаккур дастурида ҳаракат *мотив*дан бошланиб, *фикрдан фикр* шаклланиб *ички сўз*га, кейин *ташқи сўз*га ва ниҳоят сўзларга айланади” (таъкид бизники – Ш.А.) [4.43] Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш зарур. Бизнингча, бу назария руҳан соғлом одамларгагина мос келади. Руҳий хаста, маст ва уйқусираш ҳолатида *ички нутқ* босқичи бўлмайди, бундай вазиятдаги кишиларда ғайриихтиёрий

ташқи нутқ содир бўлади. Яъни, уларда А.С.Выготский таърифидаги биринчи босқич – мотивлаш, бир сўз айтишдан олдинги фикрлаш босқичи рўй бермайди. Фикримизнинг исботи сифатида айрим бадиий асарлардаги мисолларга мурожаат қиламиз.

"- Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳига қабул қилди. Дадаси, энди тузукман, қизимни саҳарлари уйғотманг.

Яна кўзини юмди, шу юмганча қайтиб очмади – саҳарга бориб узилди. Сотиболди қизчасини ўлик ёнидан олиб бошқа ёққа ётқизаётганда, қизча уйғонди ва кўзини очмасдан одатдагича дуо қилди:

- Худоё аямди дайдига даво бейгин..." [5.290]

Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур "Бемор" ҳикоясидан олинган ушбу парчада **бир неча кундан бери** (бундай хулосага келишга ўлим билан олишаётган онанинг сўнгги бор дилбанди учун қилган меҳрибончилигини ифодаловчи нутқида –лар кўплик қўшимчасини икки марта таъкид билан қўллаши сабаб бўлди) уйқуга тўймаган гўдак катталар томонидан мажбурлаб ёд олдирилган гапни беихтиёр такрорлайди. Қизча ҳали тўла уйғонмади, мияси ҳамон дам оляпти, реал воқелик унинг онгида акс этишга улгургани йўқ. Ички нутқ ва у билан боғлиқ мақсад – фикрлаш, сўз танлаш жараёнлари рўй бермасдан, тўғридан тўғри ташқи реаллашув юз берди. Қизчанинг нутқи фақат шартли рефлекс сифатида юзага чиқди. Чунки ҳар тонг боланинг уйқусини бузиб, онаси ҳақига дуо қилишга мажбур қилишган. Бундай ҳолатларни болаларнинг нутқида кўпроқ кузатиш мумкин. Уйқусираш ёки қандайдир руҳий хасталиклардан қатъи назар, болалар баъзан ҳар қандай ўргатилган сўзларни такрорлайверадилар. Бу сўзларнинг ижобий, салбийлиги, ёшига муносиб ёки номуносиблиги улар томонидан таҳлил қилинмайди. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқсак, ички нутқ босқичи амалга ошмайди.

"Ўтган кунлар" романидаги Зайнабнинг ушбу ҳолатини кузатайлик. "Кўлага ялингансимон унга яқин юриб келди...

- Ким бу?

- Мен Кумуш!..

Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.

- Кет мундан!

- Мен Кумуш!.. – деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади" [6.385].

Зайнаб Отабекка шу қадар ошиқ эдики, ҳатто мажнуналик ҳолатида ҳам суюклиси учун Кумуш бўлишни истайди. Шу севгиси туфайли қотилга айланган, ақлу ҳушидан мосуво бўлган бу бахтсиз аёл учун муҳаббатнинг, бахтнинг калити шу бир оғиз сеҳрли, жарангдор, беги учун ёқимли сўзда – **Кумуш...** Аммо сеҳр юз бермади. Ушбу сўзнинг жодуси ўз соҳибаси билан абадий уйқуга кетган эди. "Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узоқлашди" [6.385].

Қандайдир оғир руҳий зарба туфайли ақлдан озганлар мана шу ҳолга сабаб бўлган исмларни, ҳолатларни, жойларни беихтиёр такрорлаб юрадилар. "Кеча ва кундуз"нинг адоғида ўқиймиз: "Қурвонбиби бир нафас тинмасдан ўзича сўзланар, ким ёнига борса, Зебини мақтаб гапирар, унинг дутор чалиши, ашула айтиши, чок тикиши, тўппи босишларини ҳикоя қилар, юриш-туришлари, қадди-қомати, бўйлари, кўзлари ва қошларининг чиройлилигини айтиб, ҳар кимдан **"қани, менинг Зебим? Қани, Зебонам?"** деб сўрар: шундан сўнг *ҳўнграк отиб йиғлаб юборар* эди" [7.265]. Бу икки ҳолатда ҳам муайян вазиятга мос ички дастурлаш – фикр-мотив жараёнлари йўқ. Бундай аффект ҳолатлар алоҳида тадқиқ этишни тақозо этади.

"Ойдин кечаларда" ҳикоясини эса Чўлпон бошқа бир турли вазият билан якунлайди:

«… Онажон, мен унга хафа бўлмайман. Менинг ёш умрим, гулдек ёшлигим кечалари сарғайиб ўтмаса эди! - деди.

Худди шул чоқда очиқ турган эшикдан ўлгудек маст, тентракланиб Қодиржон келиб кирди. Уни кўришлари билан икки аламзада бирдан:

- Ана , келди! – деб юбордилар.

Уларнинг бу жонли қарши олишларига жавоб ўрнида Қодиржон:

- Где, где моя Анна, где моя Аннушка? – деди ва «гуп» этиб обрезга йиқилди...» [7.285]. Халқимизда "Мастлик – ростлик" деган ибора бор. Ҳақиқатан ҳам, баъзан ҳушёрлик ҳолатида яширишга ҳаракат қилинган фикрлар, онг остига яширилган гаплар мастлик ёки гипноз ҳолатида ташқи нутқ сифатида реаллашади. Бундай ҳолатларни тажрибада кўплаб кузатиш мумкин.

Юқоридаги психологик ҳолатлардан хулоса чиқарган ҳолда биз нутқнинг пайдо бўлиш жараёнини уч хил вариантда тавсия этамиз. Биринчи вариант руҳан соғлом одамларда нутқнинг пайдо бўлишини ифодаласа, иккинчи вариант психологик мувозанат бузилган – аффект ҳолатлардаги нутқнинг пайдо бўлишини акс эттиради. Учинчи вариант руҳан соғлом одамлар нутқида ҳам (онгли равишда мулоқотга киришмаслик), руҳан носоғлом кишилар нутқида ҳам учраши мумкин.

Биринчи вариантда нутқнинг реаллашуви қуйидагича содир бўлади:

I. Ички нутқ: 1.Мақсад. 2. Фикр. 3. Ички дастурлаш.

II. Ташқи нутқ.

Иккинчи вариантга (Аффект ҳолатларда ички нутқ билан боғлиқ барча жараёнлар рўй бермайди) қуйидаги схема мос келади:

I. Ички нутқ - 0

II. Ташқи нутқ (Кўпинча реал вазиятга мос келмайдиган, лекин юқорида биз кузатган ҳолатлар каби субъектнинг руҳий ҳолатига мувофиқ келадиган нутқ.)

Аффект, стресс ҳолат ўта кучли бўлганда нутқий аппарат умуман ҳаракатга келмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун учинчи вариантга қуйидаги моделни таклиф этамиз:

1. Ички нутқ - 0

11. Ташқи нутқ - 0

"...шундан сўнг *ҳўнғрак отиб йиғлаб юборар* эди". [7.265]

Бундай ҳолатларда мимика биринчи планга чиқади ва алоҳида психолингвистик таҳлилни, ўзига хос янги йўналишдаги илмий тадқиқотларни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. - Т., 2002

2. Шаҳобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши. Филол.фан. док... дисс.автореф. - Т., 2001

3. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. - М., 1960.

4. Выготский А.С. Избранные психологические исследования. - М., 1956.

5. Қаҳҳор А. Асарлар. 5 ж. 1-ж. - Т., 1987.

6. Қодирий А. Ўтган кунлар. – Т., 1974.

7. Чўлпон А. Асарлар. 3 ж. 2-ж. - Т., 1994.

Андижон давлат университети,
2013 йил 28 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова)